Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 29 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 92 (6988)

Da'vat

Ҳар кишининг билими бўлсаю, унга лойиқ ақли бўлмаса, бу билим унга зарар етказгусидир.

Ануширавони ОДИЛ

Ibrat

Тошкент тумани Й. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Искандар Фозилов) ўз отлиғидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчи ва хизматчиларидан 27 нафарига ер участкалари ажратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнини, аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини ҳисобга олиб ҳамда унинг меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказишга кенг йўл очиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ва илмий-ижодий зиёлиларнинг Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини 1998 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Фарғона вилояти ҳокимлиги биргаликда 1998 йилнинг октябрь ойида "Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни" мавзуида халқаро конференция ва тантанали байрам тадбирларини тайёрласинлар ва ўтказсинлар.

3. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Фарғона вилоятида қуриладиган ва таъмирланадиган иншоотлар рўйхати тасдиқлансин.

4. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси Аҳмад ал-Фарғонийнинг хорижий давлатлардаги кутубхоналарда ва фуқароларда сақланаётган меросини аниқлаш ва тўплаш учун 1997 йилдан бошлаб махсус археографик экспедициялар ташкил қилсин.

5. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар 1997-1998 йилларда ўз тасарруфларидаги барча турдаги таълим муассасаларида Аҳмад ал-Фарғоний ўқувларини ташкил этсинлар.

6. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Давлат матбуот қўмитаси 1997-1999 йилларда Аҳмад ал-Фарғоний асарлари ва унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этишни таъминласинлар.

7. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, "Узтелерадио" компанияси, Бадиий академия, "Узбеккино" давлат-акциядорлик компанияси, "Узбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ўз йўналишлари бўйича Аҳмад ал-Фарғоний меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи энг яхши илмий, адабий-бадиий, тасвирий санъат, телевидеокино, публицистика, мусиқа асарлари учун халқаро танловлар эълон қилсинлар.

8. "Узбеккино" давлат-акциядорлик компанияси 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида 2 қисмли ҳужжатли, илмий-оммабоп, публицистик фильм яратишни ва унинг хорижий тилларга дубляж қилинишини режалаштирсин.

9. Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги "Узбек алломалари" туркумида почта маркалари ва конвертлар чиқаришни мунтазам йўлга қўйсин ва унинг биринчисини Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишласин.

10. Оммавий ахборот воситалари Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолиятининг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

11. Узбекистон миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва "Узтелерадио" компанияси Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, хорижий оммавий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

12. Белгилаб қўйилсинки, юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, юбилей иншоотларини қуриш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар Узбекистон Республикаси Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

Юбилей тадбирларини ўтказишга корхоналар ва ташкилотлар, жамғармаларнинг, шунингдек, хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклифистаклари қўллаб-қувватлансин ва уларга нисбатан қонунларда белгиланган солиққа оид тегишли имтиёзлар жорий қилинсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 ноябрь.

Республика ўқувчилар саройида Ўзбекистон Конституцияси куни байрамини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилянти.

Шу куни бу ерда «Ўсмир ва қонун» мавзуида суҳбат ўтказилади ва унда суд, прокуратура ва милиция ходимлари иштирок этишади.

СУРАТДА: Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси раиси, республика Адлия вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғи А. Тўхташев ўқувчилар саройи қатнашувчиларига ёшлар ва ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик тўғрисида сўзлаб бермоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

8 dekabr—Konstitutsiya kuni

ЗАФАРЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимиз асосий қонуни қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган «Республика Конституцияси — ютуқларимиз гарови» мавзуида давра суҳбати бўлди. Унда таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатчи олимлар, амалиёт ходимлари ва академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, академия ректори А. Азизхўжаев очди.

Президент девонининг қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров, Республика конституциявий судининг раиси Б. Эшонов, Олий суд раисининг ўринбосари Ҳ. Усмонов, Бош прокурор ўринбосари вазифасини бажарувчи Б. Пўлатов, Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири А. Тўлаганов, академия тингловчилари Н. Вафоқулова, Ш. Умарова ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, Конституциямизнинг сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамияти ҳақида гапирдилар. Ҳужжатда халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, шунингдек ижтимоий муносабатлар аниқ белгилаб қўйилган. Унда халқимизнинг бой тарихи, миллий маданияти ва қадриятлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Инсон ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Конституциямиз жамиятда тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

(ЎзА).

КЎНГИЛЛИЛАР ИШ БОШЛАЙДИ 2-бет.

ЧЎЛПОННИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ ДАВРАСИДА 3-бет.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИ МЕҲМОНИМИЗ 4-бет.

JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов АҚШ Конгресси Вакиллари Палатасининг ташкилий-процессуал қўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Бундан кейин Вьетнам — Россия муносабатларида ижобий силжишлар рўй бериши мумкин, бунга Россия бош вазири В.Черномирдиннинг Вьетнамга қилган расмий ташрифи сабаб бўлса, ажабмас.

• Ироққа халқаро кузатувчилар гуруҳи яна қайтгандан сўнг мамлакатдаги бугунги танглик бир оз барҳам топди ва бундан кейин Россия, шунингдек Франция, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш ниятида эканлигини билдиришди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда асосан экологлар, талабалар, «Экосан» ва «Камолот» жамғармаларининг вакиллари қатнашдилар ва йиғилишда бугунги экологик аҳвол хусусида ҳамда ёшларда экологик онгни уйғотиш зарурлиги ҳақидаги маърузалар тингланди.

• Афғонистон шимолида жойлашган Фароб вилояти ҳам генерал Абдурашид Дўстум қўлига ўтгандан сўнг вилоятни бугунгача назорат қилиб турган толибларга қарши иттифоқ раҳбарларидан бири генерал Абдул Малик қўшни Туркманистонга қочишга мажбур бўлди.

• Канаданинг Ванкувер шаҳрида Осиё ва Тинч океани ҳудуди мамлакатлари, иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзолигидаги давлатлар раҳбарларининг учрашуви бошланди.

Tahlil

«АБИТУРИЕНТ—97»НИНГ ХУЛОСАЛАРИ

Демократик жамият деб тан олинадиган давлатларда одамлар амал қиладиган қонун-қоидалар (абсолют ҳақиқат бўлмаса-да) ишлаб чиқилади. Улар КЎПЧИЛИК қабул қила оладиган АДОЛАТ мезонлари асосида пайдо бўлади. У қонун-қоидаларни ҳамма қабул қила олмаслиги эса табиий ҳол. Масалан, жиноятчиликка қарши яратилган қонунлар, белгиланган жазолар жиноят дунёсининг қай бир вакилига хуш ёқади? Ҳеч бирига.

Мавзудан чалғимаслик учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун ривожланган давлатлар тажрибаси — тест тизимининг киритилиши ҳаммага ҳам бирдек хуш ёқмаганлиги табиий ҳол. Бироқ тест усули ёқмаётганларни икки тоифага бўлишни хоҳлардик.

Биринчи гуруҳдагилар нима бўлса ҳам фарзандим (жияним) ўқишга кирса бас дейдилар (Улар бунда пул, таниш-билиш ишлатадилар). Уларнинг мақсади: билими етарли бўлмаса-да, боладан бирор мутахассис «ясаш» ёки ҳарбий хизматга юбормаслик ва ҳоказо сабаблар. «Домла»лар эса «озроқ» чойчақа ишлаб олсак, дейдилар. Натижа аниқ — сифатсиз кадр «уруғи» ниш ура бошлайди.

Иккинчи гуруҳдагилар — олимлар ёки таълим соҳаси кишилари бўлиб, уларни тест тизимига қарши чиқишяпти, деб бўлмайди. Билакс уларнинг фикрларини эшитсангиз, англашиладики, улар тестнинг такомиллашиши тарафдоридирлар. Уларнинг фикрини бутунлай инкор қилиб ҳам бўлмайди. Бироқ тажриба ошиб бориши жараёнида тест тизими такомиллашиб, муаммолар ечилиб бораверраркан. Биргина мисол. Биринчи йили тест саволлари матбуотда эълон қилинганда айримлар абитуриент оз миқдорда чиқарилган бу саволларни ёдлаб олади, дейишди. Ёдлаш ҳам маълум маънода ўқиш, ўрганиш оқибати бўлса-да, келинг, уларнинг фикрига қўшилдик ҳам. Лекин орадан мана икки йил ўтди. Тест саволларининг салмоғи неча баробар ортди. Келгуси йили саволлар яна ортади. Чунки Давлат тест маркази яна энг яхши тестлар учун танлов ўтказади, улар сараланиб «Ахборотнома»да эълон қилинади.

Тест маркази директори Муҳсин Муҳиддинов бир лицей директорининг «эътирози»ни гапириб берди. У: «бу йил лицей битирувчиларининг 90 фоизи ўқишга кирди. Келгуси йилдан бироз хавфдаман. Сиз яна тест саволларини қўшсангиз, аввалги икки йиллик саволлар билан уларни ёдлаб улгурармикан ўқувчиларим», дебди. Бу гапдан турлича хулоса чиқаришимиз мумкин. 1. Директор ўз лицейининг кўрсаткичи — обрўси ҳақида ўйлаяпти. 2. Барча тестларни ёдлаб олади, деган фикрни билиб, билмай рад этяпти. 3. Асосий эътибор билим олишга, мактаб дастурини ва қўшимча адабиётларни пухта эгаллаш кераклигига қаратиляпти. 4. Шу ҳолат лицей ёки мактаблар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиряпти. Олий ўқув юртига кўп ўқиган ва билган абитуриентларгина кира олиши тасдиқланяпти.

Мисолимиздан кўриняптики, тестлар кўпайгани сайин юқоридаги «ёдлаб олиш» муаммоси ечимини топди. Фикримизча тест тизимига қарши чиқиш эмас, уни янада такомиллаштириш учун ҳаракат қилишимиз, таклифлар беришимиз фойдали бўлади.

Хўш, бу йилги тест натижалари яна нималарни кўрсатяпти? Бу йил ҳам Давлат тест маркази жонкуярлари «1997 йил тест натижалари» номли таҳлилий манбаларни китоб шаклида нашр эттиришди. Ўтган «1996 йил тест натижалари»дан бу йилги таҳлил янада чуқурлаштирилганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Унда таълимнинг ривожини ўйлайдиган турли босқичдаги мутасаддилар учун талайгина таҳлилий кўрсаткичлар мавжуд.

Китобда таъкидланишича, 1997 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш ниятидаги абитуриентлар сони ошган. 1995 йил абитуриентларнинг умумий сони 162879, 1996 йил эса 198855 нафарни ташкил этган бўлса, 1997 йили уларнинг сони 221144 нафарга етди. Шартнома асосида ҳужжат топширган абитуриентлар сони ҳам ошган (1995 йилда 567, бу йили 16488 нафар). Сиртқи бўлимга шартнома асосида 1995 йилда бирор киши ҳужжат топширмаган. Бу йил эса абитуриентларнинг сони 6938 нафарни ташкил этади. Ўрта махсус ўқув юртларида ҳам 1995 йилда шартнома асосида ҳеч ким йўқ эди, мазкур йил уларнинг сони 9933 нафардир (бу фактлар ёшларимизнинг олий ва ўрта махсус таълим олишга қизиқишларининг ошганлигини, шунингдек, кириш имтиҳонларининг тест усулида олинишига бил-

(Давоми 2-бетда).

«МАЪНАВИЯТ МУЛОҚОТЛАРИ»

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида навбатдаги «Маънавият мулоқотлари» бўлиб ўтди. Уни университетнинг маънавият ва маърифий ишлар бўйича проректори Исмоил Соибназаров бошқарди. Таклиф этилган меҳмон — «Фан» нашриёти директори Наримон Ҳотамов маънавий юксалишнинг юрт равнақига таъсири, шунингдек нашриётнинг бу борадаги ишлари ҳақида гапириб берди. «Камолот» жамғармаси бош маслаҳатчиси, таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев ўз ижодидан намуналар ўқиб, талабаларни хушнуд этди.

МУХБИРИМИЗ.

КИЧИК БАНКИРЛАР АМАЛИЁТДА

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси ва банк ассоциацияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ шаҳардаги 4-сон Нодира номли гимназиянинг банк синфи ўқувчилари Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Навоий бўлимида ўқув амалиётларини ўтаб қайтишди.

— Ўқувчиларда банк тизимига нисбатан қизиқиш катта, — дейди биз билан суҳбатда Миллий банк Навоий бўлими бошқарувчиси Эркин Турдимов. — Улар бу ерда валюта,кредит, экспорт — импорт, пул муомаласи, инвестиция каби қатор бўлимларида бўлишиб, ўзларининг банк тизими ҳақидаги тушунчаларини бойитишди.

Табиийки, бозор иқтисоди тадрижий ривожланиш асосида янгича мазмун-моҳият касб этаётган бир вақтда фаолият юритаётган корхона ва ташкилот учун банк тизими жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода эртанги кун учун малакали банк ходимларининг янги авлодини тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Норали ОЧИЛОВ.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Юнусобод туманидаги 325-шарқшунослик лицейининг бир гуруҳ фаол ўқувчилари республика Давлат ва жамият қурилиши академияси билан яқиндан танишиш учун у ерга боришди.

Ўқувчилар Давлат ва жамият қурилиши факультети декани Фатҳулла Эргашев ёрдамида у ердаги ўқитиш, ўқиш ҳақида, замонавий жиҳозланган фан кабинетлари, замонавий компьютер жиҳозлари билан танишар экан, ўз ҳайрат ва ҳаваларини яширишмади.

Кўпчилик эса тинмай ўқиб, изланиб келажакда шу даргоҳда илм олишни дилларига тугиб қўйишганини, сафар таассуротлари асосида ёзишган «Академиядан олган таассуротларим» номли ёзма ишларида баён этишди.

Н. ЎРМОНОВА.

ISH IJODGA AYLANSA

Yaxshi yozilgan insho ham kichik bir badiiy asar. Uni o'qib ma'nan huzurlanish mumkin.

Yaqinda Jizzaxda insho yozish bo'yicha o'quvchilarning viloyat ko'rik tanlovi o'tkazilgandi. Unda Do'stlik tumanidagi iqtidorli bolalar lisey-internati maktabining 11-sihf o'quvchisi Behzod Isroilovninig yozgan «Inson uchun huquq nega kerak?» degan ihshosini o'qib, hay'at a'zolari shunday huzurdan bahramand bo'lgandi, uni tanlov q'olibi deb topishdi.

Shuningdek, B. Isroilov tanlovda ishlari yuqori baholangan 7 nafar tengdoshlari bilan birgalikda respublika ko'rik-tanloviga yo'llanmani naqd qilib qo'ydi.

B. NORQULOV.

ҲУНАРИ БОР ХОР БЎЛМАС

Андижон шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги 4-ўрта мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда мактабда миллий пойабзалчилик устахонасининг ташкил этилганлиги ҳам бунга далил. Бу ерда 15 нафар ўқувчи моҳир усталар кўмагида пойабзалларни тикиш сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ХАБАРЛАРИ

«АБИТУРИЕНТ – 97»НИНГ ХУЛОСАЛАРИ

(Боши 1-бетда).

дирилаётган ишончни ҳам кўрсатади.

Саволлар банкнинг кўпайишига қарамасдан олий ўқув юртининг кундузги бўлимига кирган абитуриентларнинг ўртача баллари ўтган йилдагига нисбатан юқоридир. Яна бир қизиқ жиҳати, китобда айтилишича, шартнома билан ўқишга кирган абитуриентларнинг ўртача балли грант бўйича кирган абитуриентларнинг ўртача баллидан юқори бўлиб чиқди. Бундан хулоса шулки «пул (шартнома) билан кираётган талабаларнинг савияси паст» дейиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Китобдаги яна бир таҳлил бизни ўзига жалб этди. Бу йил олий ўқув юртига кирганлардан 17867 киши мактабни ўтган йили ва ундан илгари битирган ёшлар экан. Шу йил битирган. 11783 нафар. Бу ҳол ёшларимизнинг бир мақсад сари интилишларини кўрсатса, иккинчидан, мактабдан ташқари таълимнинг, жумладан репетиторлик курсларининг фаоллашганлигини ҳам кўрсатади.

Таҳлилда бу йилги энг талабгори кўп ва энг кам бўлган олий ўқув юртлари ҳам кўрсатилган. Кўпроқ ёшлар университетларимиз, тиббиёт, ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт ўқув юртларида ўқишни хоҳлашибди. Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртларига конкурс йўқ ҳисоби. Масалан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида кўрсаткич жуда паст, айрим мутахассисликларга ариза топширилмаган. Бунда ҳам таҳлил қиладиган жиҳатлар бор...

Умуман олганда эса республикамиз бўйича бир ўринга ўртача 4,61 талабгор тўғри келди. Мазкур кўрсаткич МДҲ давлатларида энг юқори эканлиги ҳам таҳлилда алоҳида таъкидланган. Бу Ўзбекистонимизда ёшларга, шунингдек маорифга ЭЪТИБОРнинг нишонаси ҳисобланади.

Бугун қишлоқларга ҳам замонавий технологиялар кириб боряпти. Албатта уларда ишлаш, уларни бошқариш фақат мутахассисларнинг қўлидан келади. Қолаверса оддий фермерлик ишини ривожлантириш учун ҳам иқтисодни, ҳисоб-китобни, иш бошқаришни билиш талаб қилиняпти. Буни халқимиз яхши тушунаётганлигини қишлоқларда яшовчи ёшларнинг ҳужжат топшириши ошганлигида кўришимиз мумкин. 1995 йилда қишлоқ мактабларидан 49130 нафар битирувчи ҳужжат топширган бўлса, мазкур йилда уларнинг сони 63520 нафарни ташкил этди. Қатор йўналиш ва мутахассисликларда қишлоқ мактаби ўқувчиларининг ўртача балли шаҳар ўқувчиларидан юқори, қолган йўналиш ва мутахассисликларда эса тенглик.

Китобда фанлар бўйича ҳам таҳлиллар мавжуд. Умуман олганда мазкур китоб учун катта меҳнат сарф қилинган. Бу йилги таҳлилнинг ўтган йилгидан фарқи сиртқи бўлим абитуриентлари ҳам таҳлилга тортилган. Энди 220 мингдан ортиқ барча абитуриентларнинг фанлар бўйича жавоблари диагностик таҳлил қилинган.

Фурсатдан фойдаланиб, бир таклиф билдирмоқчи эдик. Икки йил кетма-кет «Ахборотнома»нинг бир неча сонларида тест саволлари эълон қилинди. Уларнинг барчаси ҳам имтиҳон саволлари банкига киритилмаслиги, апробациядан ўтган саволларгина банкка киритилиши ҳақида илгари ёзгандик. Демак, банкда апробациядан ўтган энг ишончли саволлар қолди. Таклифимиз ушбу саволлар фанлар бўйича алоҳида-алоҳида тузилиб, чоп этилса. Бунинг бир неча аҳамиятли жиҳатлари бор. Аввало тестларга ишонч янада кучайди. Тестлар яна бир бор апробациядан ўтиши мумкин. Булар орқали кейинги тузиладиган саволлар янада такомиллашади ва албатта халқнинг тестларга нисбатан ишончи янада мустаҳкамланади.

Алқисса, Тест марказининг юқоридаги хулосаларига вилоят, туман, мактаб раҳбарлари ўз вазифаларидан келиб чиқиб якун ясашлари лозим бўлади. Зеро, бу таҳлиллар уларга маълум маънода ойна вазифасини ўтайди.

Ҳалим САИДОВ.

КЎНГИЛЛИЛАР ИШ БОШЛАЙДИ

Бундан беш йил муқаддам Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик Корпуси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати илтимосига кўра мустақил Ватанимизга мактаб, олий ва ўрта махсус таълим тизимида инглиз тилини ўргатиш ва кичик бизнесни ривожлантириш соҳаларида ўзининг илк ёрдамларини кўрсата бошлаган эди. Куни кеча АҚШдан кўнгиллиларнинг бешинчи гуруҳи етиб келди ва ўз ишига садоқат билан ёндашишига қасамёд қилишди. Бир неча кундан сўнг улар мамлакатимизнинг турли бурчакларида ёшларни ўқитишга, юртимиз ва халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишишга киришадилар.

Кўнгиллилар ўз хизматларига киришишдан олдин уч ойлик тайёргарлик курсини ўташ анъаналари мана икки йилдирки, Гулистонда бўлиб ўтмоқда.

— Бундан уч ой олдин биз биринчи маротаба ўзбек тупроғига қадам қўйган эдик, — дейди Лиза Шафстейн, — қисқа муддат ичида бу ерда жуда кўплаб дўстлар орттирдик. Қизиқарли ўлкангизнинг тарихи, маданияти, халқингизнинг анъана ва урф-одатлари билан танишдик. Албатта, ишимиз мобайнида зарур бўлган ўзбек тилини ҳам бир оз ўрганиб олдик. Гулистонда биз оддий меҳнаткашлар оиларида яшадик. Бу ердан, оиладан олганларимиз бизга катта ёрдам бермоқда.

Тинчлик Корпуси мамлакатимизда икки йўналишда — бизнес таълими ва унинг тараққиёти ва инглиз тилини ўқитиш ва унинг услубий базасини ривожлантириш йўлида иш олиб бормоқда.

Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳам сўзга чиқиб вазирлик ва АҚШнинг Тинчлик Корпуси билан алоқалари ҳақида гапираркан, бу корпуснинг ТИНЧЛИК дея номланиши ва унга аъзолар КЎНГИЛЛИ, яъни кўнгил майли билан бу савобли ишларни қилаётганликларида катта маъно борлиги, шунингдек Ўзбекистон таълимидаги ислоҳотларнинг муваффақиятли боришида юртимиздаги тинчликнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Тантанали қасамёдда, Ўзбекистондаги Тинчлик Корпусининг кўнгиллила-ри бешинчи гуруҳининг фаолияти бошланиши олдидан ўтган анжуманда Ўзбекистонда АҚШ ишлари бўйича мухтор, ишончли вакили Жозеф Димпрехт, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Убайдулла Усмоновлар иштирок этишди.

МУХБИРИМИЗ.



Суратларда: Қасамёд қабул қилиш тантаналаридан лавҳалар.

В. КИРИЛЛОВ олган суратлар.

ЎЗГАЛАРНИ БАХТЛАРГА КЎМИБ...

У зиёли оилада туғилиб, ўсди.

Тўғри, отаси зиёлилар ишлайдиган бирон-бир маҳкамада хизмат қилмас, лекин барибир зиёли — Бухорои Шарифда мадраса кўрган, мулла киши эди. Уйларидан узилмайдиган меҳмонлар билан суҳбатлар ҳам асосан диний, маърифий мавзуда, демак, эзгулик мавзусида бўларди.

Болалигиданоқ илм, зиёдан баҳраманд бўлгани унинг кейинги тақдирида акс этди. Гарчи унинг асосий орзуси ушалмай қолган бўлса-да (бунга сал кейинроқ қайтамиз), барибир, ҳаёти эзгулик уруғини сочиш билан кечмоқда.

Асосий орзуга қайтадиган бўлсак, у болалигидан рассомликка ҳавас қўйган, туппа-тузук расм чизар, келажақда рассомлик билим юртига кириб ўқимоқчи эди. Аммо, оилавий шароит туфайли мана шу орзуси амалга ошмай қолди, Самарқанд Давлат университетининг филология факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, мактабда ишлай бошлади. (Унинг мисолида катта бир рассомни йўқотган бўлишимиз ҳам эҳтимол ...)

Мана, шунга ҳам ўттиз йилдан ошибди...

Сўз юритаётган кишимиз — Самарқанд вилоятининг Челак туманидаги 37-тўлиқсиз ўрта мактаб директори Мансабхон Бобоев бўлади.

Ўн саккиз ёшида педагогик фаолиятни бошлаш осон гап эмас. Билим, тажриба, деган гаплар бор. Аммо Мансабхон, юқорида айтилганидек, зиёли оилада тарбия кўргани, бинобарин, салоҳияти етарли бўлгани учун бу масалада унчалик қийналмади. Дастлаб бошланғич синфларда, кейинчалик, университет таҳсили бир-икки йилга етгач, юқори синфларда тил ва адабиётдан дарс бера бошлади.

Ниҳоятда камтар бўлгани учун директор, илмий бўлим мудири лавозимларига ўтиш борасида жуда кўп таклифлар бўлишига қарамай, узоқ йиллар давомида оддий ўқитувчи бўлиб ишлайверди. Унга шу ёқарди. Болалар билан мулоқот қилиш, уларга билим, инсонийлик сабоғини бериш ёқарди. Болалар ҳам уни яхши кўрарди. Ҳар қайсиси билан тил топиша олгани, фанни оддий тилда тушунтириб бера олгани учун яхши кўрарди.

Лекин, барибир бўлмади. Қишлоқларида бола кўпайиб, шу ернинг ўзида мактаб очилди. Уни бошқариш мумкин бўлган бошқа киши йўқ, шунинг учун ҳам Мансабхон энди ўзини четга ололмас эди. Ана шундан бери у устозлик мартабаси билан бир пайтда директорлик ташвишларини ҳам тортиб келяпти.

Ўттиз йилдан ошиқ вақтдан буён унинг қўлидан қанча бола ўтмади, у қанча боланинг кўзини очмади, шуурига билим, эзгуликни сингдирмади дейсиз! У ўзининг саккиз фарзандигагина эмас, таълим-тарбия берган минглаб ўқувчисига ҳам ҳам ота, ҳам устоз бўлиб қолди.

Дўсти, ҳамкасби Болибой Жўмартов унга шеърий бағишлов ёзибди. Бағишловда, жумладан, қуйидаги сатрлар бор:

Бағрингиз кенг, дунё тордайин,
Қалбингизда Қуёш бордайин.
Ўзгаларни бахтларга кўмиб,
Кўтарасиз юкни нордайин...
Бу гапларга қўшилмай бўлмайди...

Унинг рассом бўлиш орзуси ушалмай қолгани тўғрисида гапирган эдим. Назаримда, у бундан мутлақо ўкинмаса ҳам бўлади. Чунки, у ўзининг инсонийлик, билим, ширин сўзи, меҳрибонлик билан йўғрилган педагогик фаолияти давомида бир рассом тарбия қилиши мумкин бўлган кишиларни тарбия қилди. Минглаб болага оталик, устозлик қилди. Устозлик мақоми ота-онадан кейин иккинчи ўринда туради. Бу унвонга сазовор бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келаверадиган осон иш эмас.

Сизга кўпчилик ҳавас қилади, Мансабхон!

Зиёдулла НУРМАТОВ.

Bolalar bog'chalarida

«ТАНДИРДА НОН ЁПАМИЗ» ДЕЙДИ БОҒЧА ОПАМИЗ...

Мурғак қалбларга шоду хуррамлик, хуш кайфият бахш этмоқ нақадар савобли иш! Болалар боғчаларига қадам ранжида қилиб, жажжи дўмбоқчаларнинг фидойи, жонкуяр тарбиячилар қўлида улғаяётганлигини кўрганимда ўзим ҳам беихтиёр боладек қувониб кетаман.

Беруний шаҳридаги 9-»Лола» махсус болалар боғчаси ана шундай таълим-тарбия масканларидан бири. Унга моҳир ташкилотчи, тадбиркор аёл Раъно Оллаберганова мудиралик қилаяпти. Боғча ҳаётидан кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Аммо бу ўринда мен фақат бир нарсага — боғчада тадбиркорлик ишлари яхши йўлга қўйилганлиги ҳақида мамнунлигимни баён қилмоқчиман. Ахир иқтисодий аҳволи дуруст бўлган маскандагина таълим-тарбияга оид тадбирлар ҳам намунали ташкил этилади-да!

Боғчада ёрдамчи хўжалик мавжуд бўлиб, ҳар йили тилга олса арзигудек даромад олинаётир. Бу ерда қуй, сигир, урдак, товуқ, туяқуш каби хонаки ҳайвонлар ва паррандалар парвариш қилинмоқда. Ер майдонига эса турли хил сабзавот ва қукатлар экилиб, мўл ҳосил олиняпти. Боғча ҳудудида мевали дарахтлар ҳам талайгина. Банкда боғчанинг ўз ҳисоб рақами мавжуд.

Яқинда Р.Оллаберганованинг саъй-ҳаракатлари туфайли боғчада тандир қуришди. Тандирда ёпилаётган бурсилдоқ кулча ва сомсалар эркатойларнинг дилини овлашда янги қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Янгиликдан мамнун бўлган дилбандлар номидан ушбу сатрларни битганимизни гуё ўзимиз ҳам билмай қолдик:

«Тандирда нон ёпамиз»,
Дейди боғча опамиз.
Соғлом бўлиб улғайсак,
Бахтимизни топамиз.

Шўх, қувноқ дўмбоқчамиз:
«Лола» — гўзал боғчамиз.
Ватанимиз боғ бўлса,
Лоласимиз барчамиз.

«Ўша боғнинг боғбони —
Юртимизнинг сарбони
Кўп яшасин! дейдилар
Ҳур Ватан қиз-ўғлони.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ТАБИАТНИ ИНСОНЛАР МЕҲРИ АСРАЙДИ

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 14—мактабда «Ёш экологлар» кўрик— танловларининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу баҳсда 81— мактаб экологлари ғолибликни қўлга киритди. Энди бу ўқувчилар шаҳар микёсида ўтадиган танловда туман шарафини ҳимоя қиладилар. Ушбу тадбирни «Экосон» ҳалқаро жамғармасининг шаҳар бўлими билан биргаликда ташкил этдик,—деди туман халқ таълими бўлими мудирининг муовини Мавлуда Қаюмова.— Ўқувчиларимиз танловга жуда ихлос билан тайёрланганликларини намойиш этишди. Фарзандларимиз ширин тил ила жабр кўрган табиат номидан сўзладилар, инсонларга умид кўзини тикканини баён этдилар. Жуда ҳам таъсирли саҳна бўлди. Бундай тадбирдан мақсадимиз, ўқувчиларда табиатга муҳаббат уйғотиш билан бирга уларнинг ота—оналарига ҳам таъсир этиш. Табиатни фақат инсонларнинг меҳри қутқаради. Табиат эса бизни қутқаради. Мана шу ҳақиқатни инсоният англаб етиши керак. Шу маънода ушбу танловнинг аҳамияти катта.

Раҳмон АЛИ.

Yangi kitoblar

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида сўзлаган маърузасида «Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир иш сифатида қараш иллати бор... Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор анъаналари акс этиши керак эмасми?», деган ибратомуз сўзи бор.

Дарҳақиқат, мустақил давлатимизнинг бугуни, келажаги унинг баркамол авлодини шу мустақилликни мустаҳкамлашга, мозийдан то бизгача етиб келган табиий манбаларни, барча умуминсоний қадриятларнинг борини асраб, йўғини яратиб келажак авлодларга етказишдан иборатдир. Шу ўринда юртбошимиз И. Каримовнинг 1995 йил февраль ойидаги республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқидаги «Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳатларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», деган йўл-йўриғини дастуруламал қилиб олмоғимиз керак.

Жаҳонга юз тутаётган давлатимиз «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилди. Ҳар қандай ҳужжатлар инсон закоси: уни инсон ёзади, инсон тасдиқлайди. Бу табиий жараёндир. Шундай бўлсада, оламшумул бир ҳақиқатни айтишга тўғри келади. Яқинда (октябрь, 1997 йил) Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, профессор Ж. Бўронов АҚШнинг Бирминг (Алабама штати) шаҳрида «Дунё халқ таълими муаммолари» мавзусида ўтказилган халқаро симпозиумида иштирок этиб қайтди. Олимимиз таъкидлашича, халқ таълими соҳасида XXI асрни шараф билан кутиб олаётган давлатлардан бири АҚШ бўлса, бу соҳада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида Ўзбекистон ҳам биринчи ўринда туришини симпозиум иштирокчилари эътироф этишибди. Ўша анжуман ўтаётган кунлар «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобининг инглиз тилидаги нашри тақдимномасида (АҚШда) айтиб ўтилган таълим соҳасидаги ижобий муносабатлар ҳам фикримиз далилидир.

Таълим йўналишидаги ислоҳотлар ҳақида сўз борар экан, бу борада республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг тасарруфидаги муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари ҳозирги замон талабига мос ўқув қўлланмалари ва дарсликларини ёзишмоқда.

Иқтисодий соҳада фаолият кўрсатаётган олимларимиз Президентимиз томонидан олга сурилган 5 та асосий тамойилга амал қилган ҳолда ибратли ишлар қилишмоқда. 1996 йилдан бошлаб «Меҳнат» нашриёти, «Иқтисодий ислоҳот ва молия-кредит» рукнида ўттизта номдаги туркум ўқув қўлланмаларни нашр эта бошлади. Ушбу китобнинг 5 таси босмадан чиқди (биринчиси чиқиш арафасида).

Биринчи китоб — «Бозор иқтисодиёти» (30 минг), иккинчиси — «Кредит» (50 минг), учинчиси — «Пул» (30 минг), тўртинчиси — «Солиқ» (30 минг нусхада) деб номланган. Ушбу қўлланмалар ўқувчилар, талабалар шу соҳаларга қизиққанларга мўлжалланган. Бу иқтисодий билимлар хазинасининг муаллифлари — Ё. Абдуллаев, Т. Бобоқулов, Т. Қоралиев, Ш. Шоҳаъзамий, Қ. Яҳёевлардир.

«Меҳнат» нашриёти томонидан «Халқаро валюта муносабатлари», «Банк», «Молия», «Бюджет», «Инвестиция», «Суғурта»,. «Нарх-наво», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Микроиқтисодий», «Микроиқтисодиёт», «Маркетинг», «Менежмент» каби ўқув қўлланмалари устида ҳам олимлар иш олиб боришмоқда.

Ушбу нашриёт билан бошланган бу ажойиб ташаббусни бошқа босмахоналар ҳам амалга оширса нур устига нур бўларди, албатта.

Давр руҳига мос иқтисодий ғояларни ўзида мужассам этган ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, тавсияномалар талабаларимиз учун чинакам маънода билим хазинасидир.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, доцент.



Sport

«Қувноқ стартлар» давом этяпти

XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси VI босқич беллашувлари кескин курашлар остида ўтаётир. Яқинда бўлиб ўтган Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14-ўрта мактабнинг «Яккатут» ва Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 34-ўрта мактабнинг «Умид» жамоаларидаги учрашувда андижонликлар ҳар жиҳатдан чаққонлик ва абжирликларини намойиш этиб, кейинги давра мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

«Қувноқ стартлар» мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад спортни оммалаштириш. Бу борада ҳар икки жамоа вакиллари ҳикоя қилишади.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Андижон вилояти кенгаши раис ўринбосари

Мард майдонда синалади деган нақл бежиз айтилмаган. «Яккатут» жамоасининг финал беллашувлари саралаш мусобақасидаги ғалабаси жуда катта меҳнат натижасидир. Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилари Баҳром Хушмирзаев ва Салоҳиддин Каримов ўқувчиларни биринчи босқич мусобақаларига пухта тайёрлашди. Кейин туман ва шаҳарлар биринчилиги учрашувлари 8 гуруҳга бўлиб ўтказилган учрашувларда 14-мактаб ўқувчилари 28, 48, 11, 15-лицей, 30, 13, 40-мактаблар устидан ғолиб чиқиб, вилоят биринчилигида Хонобод шаҳри, Жалолқудуқ, Асака, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманлари жамоаларини доғда қолдириб, вилоят чемпионлари бўлишди.

Мактабда «Қувноқ стартлар» ўйинлари оммавий тусда ўтказиб келинади. Бу йилги мусобақалар уч гуруҳда (1—4-синфлар, 5—8-синфлар ва 9—11-синфлар) ўтказилди ва ғолиб синфлар аниқланди.

950 ўқувчи таълим олаётган мазкур мактабда спортнинг волейбол, футбол, кураш, стол тенниси, баскетбол, оғир атлетика, енгил атлетика турлари изчил фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларга 650 дан ортиқ ўқувчи жалб этилган. Мактаб директори Икромжон Тўйчиев раҳбарлигида бутун педагоглар жамоаси саъй-ҳаракатлари туфайли спорт кенг оммалашмоқда.

Р. ИСРОИЛОВ,
Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси

Ангрен шаҳридаги 34-ўрта мактабда ўқишлар рус тилида олиб борилади. Турли миллат вакилларининг фарзандлари таълим олаётган мазкур илм масканида жисмоний тарбия ва спортнинг кенг оммалаштиришга катта эътибор берилаётир. Мактабнинг «Умид» жамоаси Олмалиқ, Оҳангарон, Янгиобод шаҳри жамоалари ўртасида ўтазилган ҳудудий мусобақада ғолиб чиқиб, вилоят биринчилигида Қибрай, Тошкент, Янгийўл, Оққўрғон ва Чирчиқ шаҳри жамоалари ўртасидаги курашда ҳам пешқадамликни қўлга киритди ва тўртинчи босқич мусобақаларига йўлланма олди.

Мактабда кураш, бокс, волейбол, баскетбол, стол тенниси, футбол ва бошқа спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари В. И. Першай, Ю. Н. Николаевлар Андижон вилояти вакиллари билан учрашув сабоқлари асосида спорт маҳоратини оширишга эътиборни оширишади.

Суҳбатдош Ғ. МАННОПОВ.

Cho'lpon tavalludining 100 yilligiga

ЧЎЛПОННИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ ДАВРАСИДА

Одатда шуҳратли кишилар ортидан унча-мунча ажойиб ва ғаройиб ҳикматовуз ҳикоятлар қолади Сулаймон боззоз ҳам ана шундай фазилатлардан ҳоли бўлмаган кишилардан эди. Мен авлодимиз кексаларидан ва умуман кекса андижонликлардан кўплаб эшитган бўлсамда, қўйидаги ҳикоятларни Сулаймон боззоз ҳонадони билан азалдан яқин муносабатда бўлиб у кишининг табаррук суҳбатларига мушарраф бўлган ва ҳозирда ёшлари юзга яқинлашгани ҳолда хартумликларнинг барча тўю маракаларида ҳозиру нозир муборак отахонимиз Темурбой ҳожи ота ҳикояти асосида баён этишни лозим кўрдик.

— Сулаймон боззоз Андижоннинг энг катта бойи булибгина қолмасдан энг саҳоватли киши ҳам эди. У муқаддас рамазон ойининг биринчи кунидан то ҳайит тонгига қадар камбағал ва бева бечораларга закот берар эди. Бу билан ҳам қаноатланиб қолмасдан маҳалла қўйларга одамларини жунатиб турли касаллик, мажруҳлик ва ёки андиша каби сабаблар билан закот олмаган кишиларни топдириб ажратилган закотдан уларни баҳраманд этарди, айрим нозикроқ жойларга эса закотни уз қули билан олиб бориб топширар эди. Бу закотлардан аёллар ҳам бебаҳра қолмас эдиларки аёлларга таълуқли ишларга у кишининг волидаи муҳтарамалари Тожибиби ая бош-қош бўлиб турар эдилар. Дарвоқе, Сулаймон боззоз хонадонининг тотув ва мустаҳкамлиги таянчи бўлган бу аёлнинг салоҳияти катта бўлган.

Сулаймон боззознинг яна бир ҳусусияти у ғоят камбағалпарвар киши бўлиб, маҳалла қўйдами ва ё узоқ яқиндами, бирон мискин камбағал киши вафот этса, қўлтиғига кафанликни қистириб ўша ерга борар, жамийки мотам маросими хох маблағ билан битсин ва хох иштироки билан бари бир бажарган ва ҳатто қайсидир бир мурдага мурдашуй топилмаганда уз қўллари билан ювганларини эшитган эдик.

Гувоҳларнинг айтишларича, кунларнинг бирида Сулаймон боззоз, эл юртни тўйга чақириб, қизларининг никоҳ тўйларини ўтказаётганлигини эълон қилади. Албатта, қиз болага тўй бериш ва ҳатто икки қизни бирданига чақиришни ҳам ҳайрон қоларли жойи йўқ. Аммо бу тўйнинг яна шундай томони бор эдики, бу ҳам бўлса қуёв томоннинг ҳам ва қуёв бўлгувчиларнинг ҳам то никоҳ вақтигача Сулаймон боззоздан бошқа ҳеч кимнинг билмаслигида эди. Аммо Сулаймон боззознинг жуфти ҳалоли ва турмушга чиқаётган қизлар Комила ва Фозила отинларининг волидаи муҳтарамалари Биби Ойша ҳам билмаганлар. Ва ниҳоят тўй тугаб эл-элат тарқалиб никоҳ маросими пайти яқинлашиб қолгач, туйда ҳеч нарсадан хабарсиз хизмат қилиб юрган икки мақбул ҳодим йигитни чақириб ҳаммомга тушишларини буюрган, сўнг улар ҳаммомдан чиқишгач олдиларига қуёв сарполарини келтириб:

— Уғилларим, сизлар менинг қўлимда фалон вақтдан буён ишлаяпсизлар. Бу вақт ичида сизлар мени ва мен сизларни яхшилаб ургандик, танидик ва билдик. Эндиликда мен сизларни узимнинг қизларим Комила ва Фозила отинларга қуёв булишликларингизга лойиқ кўрдим. Агар рози булсаларинг сизлар учун ажратилган уй жойлар тайёр. Никоҳдан сўнг шу уйларда яшаб биргаликда ишлайверамиз ва агар розиликларингиз бўлмаса ихтиёрингиз узларингизда, илгаридек ота ўғил каби ишлайверамиз, — дея розилик сурайди ва уз қизлари билан ҳам тахминан шу тарзда суҳбат ўтказилгач, томонларнинг розиликлари олиниб, никоҳ ўқитилиб, кенг қўлам ҳовлининг бир чеккасида яширинча безатилган хоналарга киритадилар.

— Фожиалар арафасидаги бу хонадоннинг ҳолати шундай эди, — деб ҳикоя қилади онам Олмахон отинча. — Маълуб инқилоб бу хонадонни ва бунга ўхшаш миллат устунлари маънавий пойдеворлари саналган минглаб хонадонларни пароканда қилиб юборди ва инқилобнинг биринчи зарбаси мана шундай хонадонлар бошига тушди.

Инқилобдан сўнг Сулаймон боззоз ва унинг хонадони қўлидаги мол-мулклари торих олингач, асосий иморатлар ҳам тортиб олиниб хонадон эгалари иккинчи даражали, яъни илгарилари хизматчилари яшайдиган чекка иморатларга кўчирилдилар. Хизматчилар тарқатиб юборилди. Инқилобдан бир неча йил кейин бошланган янги иқтисодий сиёсат туфайли бу оила аъзолари 28-йилларда қулоққа тортилгандан сўнгра бу оила узил, кесил парокандаликка юз тутди.

Абдужаббор боззоз ва унинг қўлида ишловчи Назарбойлар қамоққа олиндилар. Ҳожимулла ака (Абдураҳмон ҳожи) Муҳаммад Айюб Муҳаммад Орифлар тирикчилик илинжида тарқалишиб чекка-чеккаларда деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар. Шу тариқа Абдужаббор боззоз турмадан қайтгач, жуфти ҳалоли Марзийя бонунинг инқилоб алангаларидан унча-мунча соғ қолиб ҳар ҳолда тирикчилик утказиб, эпланса буладиган даражада сақланилган отаси Сиддиқ охун ҳожи мулкига кўчиб Хартум қишлоғига келиб яшай бошлайди ва мана шу тариқа Чўлпон ва бизнинг оиламиз орасидаги яқинлик вужудга келади.

Сирасини айтганда, Чўлпон умуман Сулаймон боззоз ва унинг хонадони билан булган муносабатлар ҳеч қачон узоқ бўлмаган, аксинча ҳар доимо яқин ва самимий бўлиб келган. Бунинг сабаби бизнинг хонадонимиз ҳам бойлик ва зиёкорликда бекаму кўст оила бўлиб, уз тутими ва тузуки билан ҳам Сулаймон боззоз хонадонига яқин келар эди. Яъни булар ҳам ягона бўлмаган молмулкка эга бўлган беш-тўрт ака-укалар бўлиб уларнинг каттаси Мавлон қози (халқ тилида Мавлавий қози) расман оила бошлиғи ҳисобланган ва унинг укалари Муҳаммад Эмин ҳожи, Юнус охун ҳожи ва Сиддиқ охун ҳожилар мулкий вазифаларни тақсимлаб олганлари ҳолда ягона оила теварагида иш юриттанлар. Жумладан, шаҳардаги савдо сотиқ ишларини Мавлавий қози ва Муҳаммад Эминлар бажарганлари ҳолда қишлоқ мулкларини, яъни ҳозирги Хартум қишлоғининг Куприк боши мавзеидан ҳозирги Заврок ГЭСи ёнидаги болалар дам олиш масканигача булган икки сув Хартум ва Ҳокан ариқлари оралиғидаги ерларни Юнус охун ҳожи ва Сиддиқ охун ҳожилар бажарганлар.

Юнус охун ҳожи жуда катта миришкор боғбон бўлиб, худди мана шу масканда асримизнинг бошларида жуда таърифи кетган бир боғ яратганларки, бу боғда Андижоннинг мана-ман деган кишилари Аҳмадбек ҳожи, Сулаймон боззоз, Муҳаммад Алибой, Рузойохунбой, Миркомилбой ва Мирфозилбойлар ҳавас билан келиб дам олиб кетганлар. Қатор шоирлар таърифини келтирган бундай боғ шоир Чўлпонни ҳам узига тортмасдан иложи йўқ эди. (Турклларнинг қадимий удумларига кўра). Айтишларича, уша вақтнинг ҳийла кузга кўринган шоири Хартумлик Узунсоқол Абдуғаффорий бу боғда ҳафталаб ётиб ижод қилган ва бу боғ таърифида ҳам шеърлар ёзиб қолдирган. Вақти келганда бу масалага ҳам лозим кўрилса қайтармиз. Халқимизнинг қадимий анъаналарига кура, хусусан, боғбонлар чорвадорлар ва чўпонлар ёки уларнинг эгалари дарахтларнинг айрим тупларни ёки бирон бир шох, мевасини ёки полизнинг бирон бир жуясини, янги тугилган қузилардан биронтасини узлари ҳурмат қилган соғинганларига бағишлаб сақлайдилар. Ва қачон уша одам келмагунча бу аталган мева ва полизларга, қузига қул урмайдилар. Бизнинг қушнимиз Ҳофиз ҳожининг ўғли Абдулғани махсум исмли билимли ва китобсевар булган амакимизнинг хоналарида садафлар билан безатилган бир дутор булар эдики, бу дуторни ҳам бизга номаълум Абдулҳамид ака номи билан боғлашарди. Қачонлардир бу хонадонга келин булиб тушиб ҳали бизлар тугилмай фожиали улган келин ойимизнинг Абдулҳамид акага қандайдир қариндошлиги булиб, Абдулҳамид ака навбатдаги ташрифларнинг бирида узи билан бирга олиб келган бу дуторни сақлаш учун қолдириб кетганлигини ва шу тариқа бу дутор Абдулҳамид акадан эсдалик тариқасида қолганлигини сўзлашар эдилар. Катталаримиз биз болаларнинг Чўлпон исмини биз куча-кўйда ва хусусан, мактабда гапириб қўйишимиздан қанчалар қўрқишмасин биз барибир Абдулҳамид аканинг Чўлпон тахаллусли шоир эканлигини бошқалардан кўра анча эртароқ билиб олганмиз. Тоғамнинг қулида Чўлпоннинг лотин алифбосида сақланган «Кеча ва кундуз» романи ва қатор шеъ рий тўпламлари сақланганлигини биламан (Чердакка беркитилган бу китоблар чамаси 1954—55 йилларнинг қиш пайтида уларнинг уйларида руй берган ёнгин туфайли йўқ булиб кетган). Булардан ташқари, Чўлпон ҳақидаги хотиралар онам Олмахон отинчанинг ўртанчи опаси 1930—50 йиллар давомида шаҳримизнинг машҳур кишиларидан «Дустмуҳаммад монтор» «Дусман контрол» номи билан машҳур бўлган электр тармоқлари назоратчисига тушган Муборак отинча хонадонида ҳам кўп эсланар эди. Уларнинг ички-ташқи ҳовлиларида боғловчи йўлак устида бир болохонали шийпон бўлиб бу шийпондан бутун маҳалла кўриниб турарди. Айниқса, баҳор палласида бу шийпонда утириб, атроф боғу гулзорларини томоша қилиш биз болалар бу болохонага чиқиб қанчалар тўполон қилишни истамайлик хонадон соҳиблари бўлган катталар бу болохонада Абдулҳамид Чўлпон узининг машҳур «Кеча ва кундуз» романини ёзганлигини эслатиб, Чўлпон хотирасини азиз тутишиб бизларни у хонага умуман қўйишмас эди. «Яширинган сирнинг» сеҳрли жозибаси узига тортганлиги боисми турли-туман йуллар билан булса-да, бу хонага кириб дакки ердик.

Чўлпон ҳақида мен билган ҳикоялар ҳали ниҳоя топмайди.

Чўлпонининг қариндоши В. ДАДАЖОНОВ тилидан Муҳаббат ёзиб олди.

Bugunning ehtiyoji

Бугун нафақат иқтисодий, балки маънавий ҳаётимиз учун ҳам муҳим бўлган тадбир Фарғона вилояти Учкўприк тумани ҳокимлигининг мажлислар залида бошланди.

Конференция Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига бағишланиб «Экологик хавфсизлик — барқарор тараққиёт кафолати» мавзусида бўлиб ўтмоқда.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларида мамлакатимиздаги экологик вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиб, «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, кўл қовуштириб ўтириш ўз-узини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир», деб таъкидлаган.

Экологик вазият ва барқарорликнинг бузилиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар бир ҳудуд доирасидан, миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсоният, умумбашарий муаммосига айланган.

Мустақил республикамиздаги экологик муаммолар умумижтимоий масалаларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, кенг жамоатчилик олдида турган, ҳал этилиши зарур бўлган вазифалардан биридир.

Бинобарин, ҳаммамиз учун Ватан келажаги учун қайғуриш, жавобгар бўлиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Айниқса, биз педагоглар, ўқитувчилар зиммасига бой ва саховатли она-диёримиз — Ўзбекистон табиатини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, — Ёш авлодни ҳам маънавий, ҳам жисмоний — соғлом жиҳатдан баркамол ворислар қилиб тарбиялаш каби ғоят масъулиятли вазифа юкланган. Бу борада экологик таълим ва тарбия тизими муҳим ўрин эгаллайди.

Инсон — табиат маҳсули сифатида она-заминни яшнатиш, обод этиш учун яратилган. Ана шуни ҳис этган ҳолда халқ таълими вазирлиги болалар боғчалари, мактабларда экологик таълим-тарбияни яхшилаш, уни такомиллаштиришни, самардорлигини, таъсирчанлигини ошириш борасида маълум ишларни амалга оширди.

Республика таълим тизимида «Узлуксиз экологик таълим концепцияси» асосида ўтган йилда Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий маркази ташкил этилди. Мажмуа вилоятлардаги 138 та экологик табиатшунослар марказларининг экология соҳасида олиб борилаётган таълим-тарбия ишларини мувофиқлаштириб, уларни дастур, методик қўлланмалар билан таъминламоқда. Мажмуа қошида ўқувчиларнинг экологик таълим тадқиқот лабораторияси ташкил этилган бўлиб, унда фан докторлари, доцентлар йиғилган. Унда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан улар томонидан 1995—1997 йиллар давомида Республика миқёсида бир қанча ишлар амалга оширилди. Масалан, 1995 йилда педагогик илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда экологиядан Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиб чоп этди. Экологиядан 10 та методик қўлланмалар, тавсиялар, ҳамда тест саволлари тайёрланиб, чоп этилиб, вилоятларга тарқатилди. Атроф-муҳит, табиатшунослик, экология, саломатлик, бўйича дастурлар тизими ишлаб чиқилди (нашриётга топширилган).

Халқ таълими тизимидаги барча йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлга экологик ва саломатликка оид ишларни илмий, методик ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида Республика Таълим Марказида «Экология ва саломатлик» бўлими ташкил этилди. Экологиядан методик қўлланмалар, тавсиялар ҳамда тест саволлари тайёрланиб жойларга юборилган.

Тошкент шаҳрида 305-экологик лицейи, Республикамиз миқёсида мактабларда экологик синфлар ташкил этилмоқда. Барча умумтаълим мактабларида, педагогика институтлари ва билим юртларида экология фани ўқитилмоқда ва табиатшуносликка оид фанларга сингдирилган ҳолда ўқув жараёнига киритилган. Республика Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтида ҳамда вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари дастурида экология фанини ўқитиш қатъий қилиб қўйилган. 20 соатлик муаллифлик курси киритилган.

Ёшларга экологик таълим бериш мураккаб, шу билан бирга узоқ давом этадиган узлуксиз жараён. Экологик таълим-тарбия оиладан бошланиши зарур ва унинг узлуксизлигини боғчада, ундан сўнг мактабда давом эттириш керак. Шу мақсадда пойтахтимизда эксперимент тариқасида 3 та боғча-мактаб мажмуаси ташкил этилди.

Республикамиз боғча, мактабларида экологиядан тўгарак, клублар очиб, болаларга экологиядан узлуксиз таълим берилмоқда. Бунда 50 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодга экологик таълим-тарбия бериш борасида халқаро «Экосан» жамғармаси билан хамкорликда бир қанча самарали ишларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, 1994 йилдан бошлаб Республика ёшларининг «Табиат: кеча, бугун ва эртага» илмий-амалий конференцияси ўтказиб келинмоқда. Узлуксиз экологик таълим муаммоларига бағишланган конференция ҳар икки йилда бир марта ўтказиляпти. Бундан ташқари, 305-эколицейда экологияга бағишланган Халқаро конференция ўтказилди.

1995 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бир ходими халқаро «Экосан» жамғармасида Қорақалпоғистон Республикасида, асосан Орол ва Орол бўйи минтақасида «АСПЕРА» дастурини амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқда.

Республика миқёсида «Экосан» билан хамкорликда ўтказилаётган «Экология ва саломатлик» кунларини ўтказишда таълим-тарбия муассасалари ўзаларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Республикамиздаги барча мактабларда орасталик, озодалик, тозаликка оид тадбирлар ўтказилиб, бинолар, ҳовлилар, ариқлар, йўл ва йўлаклар, ҳовузлар тозаланиб, дарахт кўчатлари ўтказиш, боғларни барпо этиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқдалар.

Ёш авлодни мунтазам равишда сувга эхтиёткорона муносабат руҳида тарбиялаш борасида 6 та вазирлик билан биргаликда «Сув ва болалар» комплекс дастури ишлаб чиқилди.

Туркий халқлар сувга ҳамиша алоҳида эътибор билан ёндошганлар, ундан фойдаланиб деҳқончилик қилиб келганлар Каналлар, тўғонлар ва сув кўтарувчи мосламалар қуриб, сувнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, оқилона фойдаланиш устида иш олиб борганлар. Натижада суғориладиган ерлар кенгайиб ҳосилдорлик ошиб, деҳқончилик маданияти ўсиб борган. Ер ва сувни ниҳоятда муқаддас деб билишган, ҳаттоки сувга тупуриш жуда катта гуноҳ ҳисобланиб, жамоат томонидан ҳимоя қилиниб эъзозланган, сувни азиз ва мукаррам Ватан каби муқаддас эканлигини ўсиб келаётган ёш авлодга сингдиришимиз лозим.

Оммавий ташвиқот ишларига, болаларимизнинг табиатга бўлган меҳр ҳиссини уйғотиш борасида Республика телевиденияси билан ҳамкорликда «Табиат шайдолари», «Табиат алифбоси» телекўрсатувини йўлга қўйдик.

Республика Таълим Марказида ташкил этилган «Экология ва саломатлик» бўлими халқ тизимининг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган экология ва саломатликка оид ишларни илмий, методик ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш, педагогик таълим — тарбия жараёнларини методик адабиётлар билан таъминлаш, жойлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш каби иш йўналишларини ўз ичига қамраб олиб, ҳамдўстлик давлатлари ва хорижий мамлакатлардаги экология ва саломатлик бўйича олиб борилаётган ижобий ишларни ўрганади ҳамда таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этади. 1997—1998 ўқув йилига (А.С.Тўхтаев а О.Н.Ҳайдарова) экология йўналишидаги лицейлар, махсус йўналишли умумтаълим мактаблари ҳамда экологияни мутсақил фан сифатида (тажриба) ўқитаётган мактаблар учун 5—11 синфларга «Экология» дастурлар тўплами тайёрланди.

Эндиликда мактабларимизда болаларимизга экологик таълим ва уларда экологик маданиятни шакллантиришдек олдимизда турган вазифалар кўп.

Биринчидан, экологик таълим-тарбия тизими «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида қайта кўриб чиқилиш зарур.

Иккинчидан, ёшларга экологик таълим-тарбия беришда урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга асосланишимиз, бунда бой меросимиздан тўла, самарали фойдаланишимиз керак.

Учинчидан, хорижий мамлакатларни экология ва саломатлик бўйича олиб борилаётган ижобий ишларни ўрганиш ҳамда уларни миллий таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Бу ва бошқа ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги халқаро «Экосан» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Муртазо СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, республика Муҳандислар академиясининг академиги.



Абдулҳамид Чўлпоннинг «ЯНА ОЛДИМ СОЗИМНИ» ТЎПЛАМИ МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу машқ атоқли ўзбек адиби Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» номи билан нашр этилган асарлари тўплами асосида тузилган. Аввал рақамларда яширинган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони — 13, 27, 4, 3.
2. Адибнинг олти пардали афсонавий томоша асари — 25, 6, 19, 3, 9, 5, 24.
3. Фарғона шаҳрида 1927 йили ёзилиб:
«Сира тапламай сени,
Кўз ёпларида мени
Устирган асл шеърим!» — мисралари билан бошланувчи шеър — 19, 2, 24, 20, 3, 18.
4. Қадимий баҳор айёмига бағишлаб ёзилган шеърдан:
«Наврўз куни эрксизларга 21, 6, 1 берар».
5. 1920 йили Тошкентда ёзилган:-
«Кўп эзган душмандан,
паст жондан
Ўчни ол, ўчни ол, ўч ол...» — сатрлари билан тугалланган шеър — 23, 12, 6, 20, 2, 9, 2.
6. Ҳазар эсдалигига бағишланган шеърдан:
«Оғиз очдинг, товушинг келди, эй 16, 7, 14, 17, 13».
7. Андижонда 1924 йилда ёзилган:
«Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз
Ҳар қаёққа қарайман».
— сатрри билан бошланувчи шеър — 3, 11, 20, 2, 18.
8. Шоирнинг 1926 йил «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1-сонида босилган шеъри — 22, 2, 10, 15.
9. Ёр васлига аталган лирик шеър — 8, 12, 13, 2, 7.
10. «.. Ҳуррият бўлганда сен келдинг,
Минайин семирган отта деб,
Оғзингга «Маллалар» бир тепди
15, 2, 30, 6, 3, 26, 2, 20 ҳарамдур сенга» деб...»
11. Бир кечанинг эсдалигига бағишланган шеър — 29, 27, 29, 2, 1.
12. «Яна олдим созимни!» шеъридан:
«Қурилиш достонлари
Пардалардан 5, 19, 2, 28, 2,
Эҳ қўнгил янги дардлар
Тағин сени ёзажак!»

Энди жавоблар асосида шакллаги муаммономани ҳал этинг. Ундан шоирнинг тўрт мисра шеъри аён бўлади. Биласизми, бу асар қачон ёзилган?

Фозилжон ОРИПОВ.

Obuna — 98

«БИРЛИК» ВА «ЕДИНСТВО»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар!

«Олам аҳли билингизки иш эмас душманлиғ, ёр ўлунг бир-бирингизга эрур ёрлиғ иш» деган буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий XV асрдаёқ инсонлар ўртасидан бирлик, тотувчлик, аҳиллик, оқибат, иймон кўтарилмаслигини алоҳида таъкидлаган. Шу боис «Бирлик» ва «Единство» газеталари ҳамиша халқ манфаатлари, хоҳиш-истаклари, ўй-орзуларини ўз саҳифаларида ёритиб келмоқда. Шунингдек, «Халқ бирлиги» ҳаракати, турли миллий-маданий марказлар ҳаётига ҳам кенг ўрин ажратмоқда.

ИЛОҲИМ БИРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ ВА АБАДИЙ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ОБУНА БАҲОСИ:

«БИРЛИК»
корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1188 сўм (нашр кўрсаткичи — 107)
якка тартибдаги обуначилар учун:
бир йилга 660 сўм (нашр кўрсаткичи — 106)
«ЕДИНСТВО»
корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1188 сўм (нашр кўрсаткичи — 132)
якка тартибдаги обуначилар учун:
бир йилга — 660 сўм (нашр кўрсаткичи — 131).

ЭСЛАТМА: Вилоятдаги газетхонлар манзилига қараб кўрсатилган обуна нархи фарқланиши мумкин.

Mulohaza

БОЛА, АХЛОҚ ВА ЖАМИЯТ

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг барчасида жамият маънавияти, ахлоқи ижтимоий тараққиётга таъсир этиб келган. Чунки, ахлоқсизлик жамиятнинг маънавий қашшоқ бўлишига олиб келади. Шундай экан, жамиятимизда маънавий қашшоқликнинг олдини олиш учун ёшларимизга маданий, ахлоқ-одоб сабоқларидан таълим-тарбия беришни янада кучайтиришни тақозо этади.

Инсоннинг маънавий шаклланиши ҳаётининг дастлабки йилларидан бошланади. Чақалоқ туғилиши билан узини ураб олган муҳит таъсирига тушади, атрофидаги воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб қолади. Унга энг яқини дастлаб онаси бўлади, чақалоқ гапира олмайди, аммо ҳис қилади, демак, у ўргана бошлайди. Шу боисдан маданиятнинг, аввали, ибтидоси оиладан бошланади, деймиз. Оиладаги маданиятлилик, аввало, ота-оналарнинг ўзларини-ўзлари маданий савиясини шакллантиришдан келиб чиқади.

Ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим оилаларда бола тарбиясига бефарқ қаралмоқда. Бунинг асосий сабабини синчиклаб таҳлил этсак, эр-хотиннинг ўзларида тарбиянинг яхши эмаслигини сезамиз. Албатта, эр-хотин орасидаги сабр-қаноатсизлик, ишончсизлик, бир-биридан устун бўлишга ҳаракат қилиш каби ҳаракатлар фарзанд тарбиясига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шунга кўра ёшлардаги хулқ-атворни, турли қусурларнинг сабабини унинг ота-онасидан ҳам ахтариш керак. Демак, бундай салбий иллатларнинг олдини олиш муҳим иш. Минбарда туриб қанча оила бузилганлиги ёки ёшлар томонидан қанча жиноий ишлар қилинганлиги ҳақида ҳисобот беришни эмас, ана шу салбий ҳолатларнинг келиб чиқмаслиги, уларнинг олдини олиш масалаларини ўйлашни тақозо этади. Биринчи навбатда шаҳар ва қишлоқларнинг ҳар бир муассасаларида оила мустаҳкамлиги мавзусида ота-оналар орасида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилса. Хотин-қизлар кенгаши раислари замон талабидаги миллийлик руҳида тузилган дастурлар асосида бундай тадбирларга бошқош бўлса ўз ижобий натижаларини беради, деб ўйлаймиз. Чунки фарзандлар — келажагимиз. Уларни ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом этиб вояга етказиш ҳар бир ота-она орзуси.

Юртбошимиз ҳам бу масалада алоҳида тўхталиб: «Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади», — деб таъкидлашини инобатга олиш ўринлидир.

Ёшларда ахлоқий маданиятлиликни шакллантирадиган яна бир муҳит — бу болалар боғчаси ҳисобланади. Лекин ҳозирда боғчаларида бунинг исботини кўриш мумкин. Айрим қишлоқларда болалар боғчасининг ўзи йўқ. На мусиқа мактаблари ва на кутубхона, на спорт маскналари ташкил этилган. Шундай жойлардаги болалар бекорчиликдан турли безориликларга қўл уришади. Бўлмағур ўйинлар ўйнашади. Натижада боланинг ахлоқи бузилиши билан бир қаторда турли хил касалликларга чалинади. «Бекорчиликнинг маҳсули — безориликдир», — дейди донолар.

Бола тарбияси жуда мураккаб, бугун бир омма иштирок этадиган узоқ муддатли оғир жараён. Чунки, бола тарбияси фақат ота-она ёки тарбиячилар учунгина эмас, балки бутун жамият учун ҳам қимматлидир. Доноларимизда шундай насиҳатли гап бор: «Битта ёмонни яхшилаш — юзлаб яхшини ҳимоя қилади».

Боланинг учинчи қадамидаги тарбияланиш муҳити — бу билим учоғи бўлган мактаб ҳисобланади. Бола болалар боғчасида эгаллаган ахлоқий тарбиясига қўшимча таълимий билимлар асосида ахлоқини яна ям шакллантиради. Бола энди оддийдан мураккабга ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз мактабларида ҳозирги кунда ўзгаришлар рўй бераётир. Ана шу ижобий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда мактабда ахлоқий маданиятлиликни ўқувчида қай йўсинда шакллантириш лозимлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак деган фикрдамиз.

Мактабда тарбиявий соатлар ўтилади ва таълим-тарбиявий тадбирлар ўтказилади. Улар ўтказиш дастурлари боланинг ёши, фикрлаш қобилияти, билими, одоб-ахлоқи ва шу кабилар инобатга олинган ҳолда тузилса (албатта юзакичиликка йўл қўйилмаса), яхши натижаларга эришилиши шубҳасиз.

Ўқитувчи шундай бир инсон бўлиши керакки, у ҳар тарафлама етук, билимдон, ҳар бир ўқувчининг билим ва хулқ-атворини тўғри баҳолай оладиган, уларнинг эътиқоди ва истеъдодини шакллантира биладиган, ўқувчилар эътиборини қозонган бўлиши керак.

Бинобарин шундай экан, ёшларимизнинг тўғри йўлни танлашига, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашга, миллий қадриятларимизни ўрганиш билан бир қаторда уни севишга ва уларни янада бойишига ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигига ундаш зарурдир. Чунки маънавий соғлом инсон, узлигини англабгина қолмасдан, балки ижтимоий эҳтиёжларни англаб етади.

Эргаш АСОМИДДИНОВ, Низомий номидаги ТДПИ «Маънавият ва маърифат асослари» кафедрасининг аспиранти.

ҚУТЛОВ

«Мураббий» газетаси муҳаррири Норқувват Тожимуродович Тўраевни туғилган куни билан табриклаймиз. Педагогик, журналистлик, ижодий ишларига муваффақиятлар тилаймиз. Оилавий бахт, мустаҳкам соғлик ҳамда ижодий баркамоллик ҳамиша ёр бўлсин!

«Мураббий» газетаси таҳририяти.

БОШҚАЛАРНИ ЎРГАНМОҚ УЧУН...

Кимки ўзининг инсон деб аталишини бошқалардан талаб этса, унинг фақат ўзигагина тегишли муайян қиёфаси бўлишлиги лозим. Бу, албатта, маънавий қиёфа... Инсон мана шу қиёфасини йўқотган кун жаҳолатга юз тутади.

Бугун теграмизда, жисмимизда, руҳимизда маънавий янгиланиш кечаяпти. Кечаги бузуқ мафкуранинг «вирус»ларидан халос бўлиш тадбирлари амалга оширилаяпти. Мана шундай тадбирлардан бири мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ташкил этилган «Жаҳон адабиёти» адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнали бўлди.

Мана «Жаҳон адабиёти» журналининг навбатдаги 3-сони ҳам ҳалигина «тандир»дан узилди. Журнални варақласангиз, Осиёдан кириб Европадан чиқишингизга кафолат берамиз. Шу билан бирга бугунги маънавий ҳаётимиздаги, янгиликлардан ҳам воқиф бўласиз. Дарҳақиқат, биз журналнинг рукнлари остида босилган насрий, назмий, публицистик, умуман мақолаларнинг ҳеч бири ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Сабаби, журнални бизнинг муштарийларимизнинг ҳам ҳар бири олиб ўқиса керак. Ахир ўзимизнинг маданий ҳаётимизни ривожлантириш учун ҳам бошқаларникини ўрганиш керак-ку! Агар сиз ҳам борди-ю шундай фикрда бўлсангиз «Жаҳон адабиёти» журналига обуна бўлиш эсингиздан чиқмасин. Гарчи журналнинг индексини ёддан билсангизда, яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: якка обуначилар учун — 828, ташкилотлар учун — 829.

Китоблар оламида

МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ

Мутолаа қилиш ёки шунчаки варақлаш ниятида қўлига китоб тутган кишининг қўнглидан: «Бу қандай китоб?» деган савол утади. Китобни ўқиб туширгунча, эҳтимол ўқиб бўлгач ҳам бу беором саволга тугал жавоб излайверасиз, жавоб ё топасиз, ё йўқ. Менинг назаримда бу ҳолатда бошқачароқ ҳодиса ҳам «юз бераётган» бўлади. Яъни, қўлингиздаги китоб, «Узинг қандай одамсан?» дея сизни саволга тутади.

Ҳар бир китоб — савол дегим келади! Китобнинг аҳамияти, савияси у бераётган саволнинг салоҳиятига, муҳимлигига, саводли ва қизиқарли эканига боғлиқ. Дейлик, китоб жуда оддий мавзудан сўз бошлайди. Мавзунинг жунлиги андак-да янгилик бермайди. Бироқ таърифнинг ихчамлиги уни ўқишга ундайди. «Одамнинг биринчи сўзи — чақалоқнинг ингаси, сўнгги сўзи — алвидодир!»

Саккиз сўздан иборат бу гап беихтиёр ўйга толдиради. Туғилиш, умр кечириш, дунёни англаш, боқийлик сафари... хаёл тутқич бермас томонларга қочади.

Сўзнинг сеҳри — муъжизаси шу!

Сеҳр — муъжиза оламига етакладими, демак, китоб ўз вазифасини утай боошлаган ҳисобланади. Қўлингиздаги китоб сизга «Гапни биласизми?» дея савол қотади. Билмай-чи?! Гап ҳақида не-не таърифларни ўқиб, ёд олиб дунёқараш шаклланган. Бироқ... муаллиф илмий таърифдан қочади: «мантиқ ипига тизилган сўзлар маржони...»

Шоирона таърифдан сўнг гапнинг миллий ва тарихий хусусияти айтилади. Шунинг ўзидаёқ қўлингиздаги китобнинг оммабоплиги, узига хослиги ва ЯНГИлиги сезилади.

Китобнинг ЯНГИЛИГИ у китобхон олдига қўяётган саволларнинг янгилиги билан, китобхонда туғилаётган саволларга бераётган жавобларининг янгилиги билан белгиланади.

Дарвоқе, сўзлар узгармайди, янгиланиш эканлигини курсатди.

Тафаккурни янгилаш истаги умумий, ҳатто мавҳум истакдек туюлади. Бу фикр унчалик тўғри эмас. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг биринчи йили — 92-йилнинг июлида бўлиб ўтган сессиядаги нутқида «маънавий соғлом»лик ҳақида алоҳида тухталган, «Халқнинг истеъдодини, ундаги барча олижаноб хислатларни ишга солиш»нинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Моҳият эътибори билан маънавий соғломлик ва халқ табиатидаги олижаноб хислатларни аниқлаш ва уларни халқнинг узига курсата билиш тафаккурни янгилаш тушунчасидаги ҳар қандай мавҳумликни тарқатиб юборади.

Бир сўз билан айтганда, юртбошимиз баён этган катта ҳақиқатни курсата билиш асрлар мобайнида сақланиб келаётган олижаноб хислатларни, тушунчаларни, қадриятларни бугунги кун нуқтаи назаридан тилга олиш лозимлигини курсатди. Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жураев ҳаммуаллифликда яратган «Ватан туйғуси» китобида жуда кўплаб тушунчаларнинг янги эра нуқтаи назаридан янгича талқинлари берилди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» МЕҲМОНИМИЗ

Станислав ЕЖИ ЛЕЦ

ПАРДОЗЛАНМАГАН ФИКРЛАР

Ёдингизда тутинг: агар иблис тепмоқчи бўлса, бу ишни туёғи билан эмас, инсон оёғи билан адо этади.

* * *

Ҳамма нарса одамнинг қўлида. Шунинг учун уни тез-тез ювиб туриши керак.

* * *

Конго аҳлига жазирамада ўзларини қандай тутишлари кераклигини уқтирадиган қўлланма тайёрлаб берувчи эскимослар доимо топилади.

* * *

Диққат, ҳажвчилар! Сиртлонлар ҳатто қинғир ойнадан туриб ҳам сизга қарши тиш қайрайдилар.

* * *

Теран фикрга ҳам кутарила билиш керак.

* * *

Сигирга какао ичирсанг ҳамки, шоколад соғиб ололмайсан.

* * *

Баъзан ҳалқоб ҳам чуқур таассурот уйготади.

* * *

Фикрлар бургага ухшаб одамдан сакраб утаверади. Лекин ҳаммани ҳам чақавермайди.

* * *

Чиройли ёлғонми? Диққат! Бу энди ижод.

* * *

Бир мамлакатда С. деган адиб менга: «Ҳокимият кучада ётибди», деди. «Шошилишнинг ҳожати йўқ, бу ерда кучаларни супуриб-сидиришмайди», жавоб бердим мен.

* * *

Ўлимдан кейин яшаш маҳол. Гоҳо бунинг учун бутун умрингни сарфлашингга тўғри келади.

* * *

Унинг ҳатто сукунатида ҳам имловий хатолар учраб туради. Ўзинг ўтирган бутоқни чоп. Агар сени унга осмоқчи бўлсалар.

* * *

Аввал қарзингни уз-да, кейин ҳушингдан кет.

* * *

Хотираси яхши одам, кўп нарсаларни осонгина унутади.

* * *

«Бир хочдан иккита дор ясаш мумкин», деди мутаҳассис нафрат билан.

* * *

Гулхан билан зулматни даф этиб бўлмайди.

Ваҳоб БЕКЖОН таржимаси

Шеърият минтақалари

ЯШАШ — ЖАСОРАТ

Ўлган одам ўлиб кетмайдими? Нега тушларимга кирасан? Нега хомуш ўтирасан тушимда? У дунёда ишларинг қандай? Нима ёқмаяпти сенга? Ҳақиқат нималигининг тагига етдингми? Ёки унинг таги йўқ эканми у ерда ҳам? Фаришталар ҳақиқатан ҳам фариштами? Дўзахда кимлар ёнаяпти? Устод Дантенинг ёзганига ишонаверайми? Бу дунёдагиларга нима дейин? Қорин ғами у ерда ростдан ҳам йўқми? У ерда ҳатто қориннинг ўзи йўқлигини ҳаммага айтаверайми? Руҳнинг нималигини билдим, аммо вужуднинг нималигидан гапир? Нега бош чайқайсан? Фақат савол берган икки дунёга ҳам ёқмайдими? Бўлмаса, биргина саволга жавоб бер — дўзах қайси дунёда?

Осмонда булутлар. Ёмғир ёғиб турибди. Кўз ўнгимда ўсаяпти майсалар. Қандай самимий уларнинг яшаш тарзи. Фақат чиндан иборатга ўхшайди бу ёлғон дунё. Ҳамма саволлар бежавоб. Яшашнинг шуниси қизиқ. Қизиқ мияга қон қуйилиши. Юракнинг ёрилиши қизиқ. Ҳаммасидан қизиғи — ўзини осиб қўймоқ. Ўта қизиғи — бир-бирини отмоқ. Чидаб бўлмайдиган ўта қизиғи — отмасдан ўлдириш. Энг қизиғи эса — гўдакларнинг туғилиши. (Этироф этинг шуниси — жуда қизиқ!) Эндиги масала — саволлар ёдимизда туришида. Жавоб муҳимдир, аммо энг муҳими — савол. Хотирамиз эса бедарак кетган. Агар у саломат бўлганида, аниқ биларди — дўзах қайси дунёда эканлигини. Бироқ биринчи галдаги вазифа — саволларга жавоб бермаслик. Жаннатда яшайверинглар. Сен эса тушимга кирма. «Савол — ўзликни англамоққа тангри юборган иноят» деб ким айтди? Гуноҳкор!

* * *

Қўлга ўргатилган бўри бу — кучук,
Корни тўқ — сарқитнинг ҳар хили...
Ялоқ...
Собиқ бўри, қани думингнинг учи,
Собиқ даҳшат, нега кесилган қулоқ?

Бўйнингда нишонлар — обрўйинг аъло,
Ўзлигидан кечган шунча азизми?
— Бўри! — деб чақирдим — қилмади
парво,
Ит! — дедим... Қаради... Ишонасизми?

* * *

Охир ғолиб келди кўнгилнинг майли...
Энди тирилайми, энди ўлайми?
Сукут сақлайинми, бақирайми ё? —
Гоҳида зим-зиё, гоҳо сим-сиё
Сен кезган дунёю мен сезган дунё...

Мен сенга ғарқ бўлгим келмоқда бу дам,
Худди ёзда адо бўлгандай кўклам.
Ўзини сингдириб, ўзини ёйиб,
Ариқ боғ бағрида бўлгандай ғойиб —
Ҳар бир гиёнгда кўкариб бирдан.

Қушдай ҳаволарга боримни отсам,
Ўзимни йўқотсам, сенда йўқотсам.
Топганим ҳеч бўлса, арзимаган ҳеч...
Менинг руҳимдан бу телбаликни еч —
Қандай чидаб бўлмас, бетўхтов додсан?

Титрайди қўлларинг, титрайди лабинг,
Титрайди барг каби лабингда гапинг...
Сўз — етмас... Ўзбакнинг тили
барбоддир!
Кетасан... О, қолган қандай ҳаётдир?
Алвидо бўсада оғриқнинг тафти.

Дунё кетишингга тўлди... Қайтмагин!..
Юракни ҳижронга энди кўндирсам —
Йиғлаб шеърлар ёзсам бир умр... Тағин
Келар йўлларингга қараб ўлтирсам...

Усмон АЗИМ.

ОҚШОМ ХАБАРЛАРИ

(Романдан парча)

Душанба куни соат эрталабки йигирмата кам ўнда вақтинчалик ишга қабул қилинган олтмишга яқин навқирон йигит ва қизлар — уларнинг ярми йигит, ярми қиз эди — Си-би-эйга қарашли бинога тўпланиб бўлишганди.

Уларнинг кўпчилиги 20 ёшдан ошган, яқинда университетни тугатган дипломли мутахассислар эдилар, баъзилари эса телебизнесда муваффақият ҳам қозониб улгурганди.

Гуруҳнинг учдан бирини қора танлилар ташкил этган бўлиб, Артур тоға Купергa улардан бирига — Жонатан Монига алоҳида эътибор билан қарашни маслаҳат берди:

— Менимча, Жонатанни уларга етакчи қилиб тайинлаш керак, — тавсия қилди чол. — Колумбия университетининг журналистика мактабини тугатган, ҳозиргача пулга муҳтож бўлгани учун официант бўлиб ишлаяпти. Агар ишончимизни оқлай олса, бу ишлар тугагандан сўнг, бир иложини топиб, Си-би-эйда олиб қолишга ҳаракат қиламиз.

Бир оздан сўнг Купер Монига бир-икки жойга қўнғироқ қилишни буюрди. Мони бош ирғаб чиқиб кетди-да, дарров қайтиб келди.

— Ҳаммаси жойида, мистер Купер. Иккаласи ҳам рози бўлишди.

Бу ўн дақиқалар олдин бўлиб ўтганди. Ҳозир эса Купер ёшлар олдида нутқ ирод қиларди:

— Шундай қилиб, гапларингизни ўз ўрнига ўрнатиб, ишлаш ҳуқуқингиз ҳам эшитган бўлсаларингиз керак, миссис Слоун Николас Слоун ва мистер Энгус Слоунларни олиб кетишганлар ҳақида бораяпти. Сизлар уларни тутқунликдан тезроқ озод қилишга ёрдамлашиш учун тер тўкиб ишлашингизга тўғри келади. Бу ердан тўғри маҳаллий газеталарнинг таҳририятларига ҳамда кутубхоналарга қараб жўнайсизлар ва у ерда охирги уч ойнинг барча сонларини қараб чиқасизлар. Ёдингизда бўлсин, газетани шунчаки кўздан кечириб чиқиш керак эмас, худди Шерлок Холмсга ўхшаб — ҳозир мен айтадиган маълумотларни, ўғриларни тутишга ёрдам берадиган, жумбоқнинг ечими бўладиган маълумотларни синчиклаб текширишингиз лозим бўлади.

Бу ёққа ҳар куни келишларингиз шарт эмас. Бироқ биз ҳозир сизларга берадиган рақамга қўнғироқ қилиб, қандай бўлмасин, албатта, кунлик натижа ҳақида ахборот бериб туришларингиз шарт: агар бирор жиддийроқ маълумот бўлса, дарҳол қўнғироқ қилинглар.

Тедди Купер тўпланганларга нима ишлар қилиш зарурлигини тушунтиргач, ҳар бири нималар қилиш кераклигини англаб олишди. Си-би-эйнинг бу режасини рақобатчилар, дейлик бошқа телестанциядагилар сезиб қолишса, уни ошкор қилиб юбориши ёхуд ғояни ўғирлашлари мумкин эди. Купер Си-би-эйнинг бу усули тўғрисида оғиздан гуллаб қўймасликларини ёшларга тайинламоқчи бўлди. У аудиторияга кўз югуртириб чиқди — ҳаммаси диққат билан эшитишар, кўпчилиги ёзиб олаётганди: йўқ, бу ёшлар панд беришмайди.

Купер эшикка қаради. Жонатан унинг илтимоси билан Гарри Партриж ва Кроуфорд Слоунга қўнғироқ қилиб, бирровга келиб кетишини сўраганди. Купер уларнинг келишмоқчи эканлигини эшитиб хурсанд бўлди.

Улар иккаласи ҳам баравар кириб келишди. Купер эндигина ўғриларнинг ўзлари тахмин қилаётган жойдаги қароргоҳи тўғрисида гап бошлаган эди. У гапидан тўхтаб эшикка ишора қилди. Ҳаммалари бирданига ўша ёққа ўгирилдилар...

Артур ХЕЙЛИ.

Sport

КУБОК «ПАХТАКОР»ДА

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ниҳоясига етди. Финалда «Пахтакор» ва «Нефтчи» ўзаро курашди. Асосий вақтда кучлар тенг келди. Қўшимча вақтда эса «Пахтакор»чилар устунлик қилди. Умумий ҳисоб 3:2. «Пахтакор» олтинчи мавсум кубогини қўлга киритди.

ҚИРОЛЛИК КУБОГИ

Бонгконгда ҳар йили ўтказиладиган май-тай миллий кураши бўйича қироллик кубоги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Осиёнинг 18 мамлакатидан кучли полвонлар иштирок этди. Ўзбекистонликлар мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Тоҳир Мирсаматов ва Диёр Пўлатовлар барча рақибларни мағлуб этдилар.

КАРПОВ ҒОЛИБ

Жакарта шаҳрида жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ва индонезиялик 32 ёшли А.Адион ўртасида шахмат бўйича баҳс ўтказилди. Унда навбатдаги жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик кўраётган Анатолий Карпов 5,5:3,5 ҳисобида ғолиб чиқди. Кўриниб турибдики Карповнинг тайёргарлиги ёмон эмас.

«КАРЛСРУЭ» — «СПАРТАК» — 0:0

Футбол бўйича Россия чемпиони — Москванинг «Спартак» командаси УЕФА кубогининг навбатдаги 1/8 босқичида «Карслруэ» (Германия)га меҳмон бўлди. Қизиқарли ўтган беллашувда дарвозалар даҳлсиз қолди — 0:0. Такрорий учрашув 9 декабрь куни Москвада ўтказилади.

САРКИСЯНГА ҚИЗИЛ КАРТОЧКА

Ўзбекистон кубогининг «Пахтакор» — «Нефтчи» финал учрашувида фарғоналикларнинг мураббийси Юрий Саркисян ҳакам Сардор Нажафалиев томонидан қизил карточка кўрсатилиб майдондан қувиб чиқарилди. Қоида ҳаммага баробар. Юрий Саркисянга бу йилги мавсум давомида 3 бор қизил карточка кўрсатилди.

maydonchasi

Xullas...

«КАРВОН КЎРДИМ, ТУЯЛАРИ ҚУВНАБ КЕЛАР...»

Ҳа, шоир Усмон Азим Австралиядан Саудия Арабистонига келтирилган туяларни кўрганда ана шундай сатрлар битган бўларди. Саудия Арабистонига экспорт тариқасида келтирилган бу жониворларнинг аждодлари бир асрча бурун инглизлар томонидан Австралияга олиб кетилган. Чунки бу олис қитъада ҳам саҳролар кўп бўлиб, мустамлакачилар учун туялар юк ташиш воситаси сифатида жуда қўл келарди-да. Тақдирни қарангки, Австралия об-ҳавоси ёқиб қолган, шекилли, ўркачли жониворлар у ерда тез кўпайиб кетди. Мана, орадан узоқ йиллар ўтгач, Австралия четга туяларни экспорт қилувчи давлатга айланди. Ўтган йилнинг ёзида Австралиядан Саудия Арабистонига келтирилган туялар карвони, айниқса, барчани ҳайратлантириб қўйди. Чунки махсус уловлардан туширилган туялар тўдаси, араб саҳросига оёқ қўяр-қўймас қувноқ кайфиятда шаталоқ отиб, ўйноқлаб кетишди. Кўпгина зоолог, биолог олимларнинг таъкидлашича, бу жониворлар аждодларининг асл ватанини танишган...

СОХТА ПРЕЗИДЕНТ

Москвалик Р. Бровкин деган йигирма яшар радиобезори, ниҳоят, қўлга олинди. У устомонлик билан ҳукуматга тегишли алоқа частотасида мунтазам «мулоқотлар олиб борган». Шунчаки, гаплашган бўлса ҳам ғўрга, Россия президенти Борис Ельцин овозига тақлид қилиб, олий даражадаги ҳукумат аъзоларига, вилоят ва шаҳар раҳбарларига турли буйруқ ва кўрсатмалар берган. Айни кунда Р. Бровкин ҳибсда. Бироқ ички ишлар ходимлари унинг қилмишларини тўла-тўкис овоза қилишга шошилишмаяпти. Чунки безорининг сохта буйруқ ва кўрсатмаларига лаққа тушган кўпгина амалдорлар уялиб қолиши мумкинда...

СУЛАЙМОН АЛИНИ ТАНИЙСИЗ(МИ)?

Баскетболчиларнинг ҳаммаси ҳам бўйчан-бўйчан спортчилар бўлади. Бироқ улар орасида энг дарози ким экан, деган савол эринмаган қизиқувчиларга тинчлик бермаса керак, ҳойнаҳой? Кузатишлар шундан дарак берадики, кейинги 25 йил ичида майдонга тушган баскетболчилар ичида энг новчаси Сулаймон Али Нашушдир. Унинг бўйи бор-йўғи 2 метру 45 сантиметр бўлган...

ana shunaqa gaplar

Шайхонтоҳур туманидаги «Нурсй» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Лукмон БУРИЕВ, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6